O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

**САЙЛОВЛАР — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ, ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ АЖРАЛМАС БЕЛГИСИ, ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ЭРКИН ИФОДАЛАНИШИ, ФУҚАРОЛАР ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИШТИРОК ЭТИШИНИНГ АСОСИЙ ШАКЛИДИР.**


O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 5-dekabr • Shanba • 143-44 (30.104) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan


**SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

***Шу йил 4 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.***



Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджетини кўриб чиқишдан бошладилар. Сенаторлар мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати макроиқтисодий барқарорликни ва ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлаш, модернизацияланган, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар.

2010 йилги Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Давлатнинг 2010 йилги солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юкини янада камайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга, фуқароларнинг даромадларини кўпайтиришга ҳамда уларнинг харид қобилиятини оширишга, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва такомиллаштиришга, микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг мақбул базавий ставкасини ўрнатишга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқ миқдорларини бирхиллаштиришга қаратилади. Масалан, ҳисоб-китобларга қараганда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг амалдаги 10 фоизлик базавий ставкасини 9 фоизга тушириш 2010 йилда хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида 52 миллиард сўмдан ортиқ маблағ қолдирилишига имкон беради, бу маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарни модернизация қилишни, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни тезлаштириш учун шароит яратади.

Аҳоли турмушини янада яхшилаш мақсадида келгуси йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси солиқ солишнинг биринчи шкаласи бўйича 12 фоиздан 11 фоизга пасайтирилади. Шу билан бирга солиқ солинадиган даромадни олий ўқув юртларида таълим олиш учун тўланадиган, шунингдек, Халқ банкидаги фуқароларнинг жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда ўтказиладиган маблағлар суммаси миқдорида камайтириш тарзидаги қўшимча имтиёзларни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар 2010 йилги Давлат бюджети ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қилинадиган харажатлар улушини 2009 йилдаги 55,6 фоиздан 2010 йилда 59,1 фоизгача кўпайтиришни назарда тутаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Ушбу ҳужжатда соғлиқни сақлаш, таълим, ночор аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларини молиялашни кўпайтириш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақаларни ошириш назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети сенаторлар томонидан маъқулланди.

2-бет

### 8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Манал Шах АЛКАДРИ билан суҳбатлашди.***

**Манал Шах АЛКАДРИ:**

## ЎЗБЕКИСТОН — ЎЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ ТЎҒРИ ТАНЛАГАН МАМЛАКАТ

**— Элчи жаноблари, аввало, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Ҳиндистон ташқи сиёсатида Ўзбекистон муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам демократиянинг умумий қадриятларига ҳурмат билан қарайди. Ўзбекистон минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда етакчи ўринга эга мамлакатдир. Юртингиз глобал терроризм таҳдидларига қарши курашиш борасида ҳам халқаро ҳамжамиятда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг ўзаро алоқалари мустаҳкам дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида фаол ривожланиб бормоқда. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлари муҳим ўрин тутади. 2005 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди. 2006 йилнинг апрелида Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бу ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ўзаро муносабатларимизни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг, айниқса, иқтисодий ҳамкорликнинг қамрови кенг. Ҳиндистон компанияларида юртингиз иқтисодиётига, айниқса, автомобилсозлик ва сайёҳлик соҳаларига йирик сармоя киритишга қизиқиш кучли. Жорий йилнинг октябрь ойида Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соманахалли Кришнанинг мамлакатингизга ташрифи доирасида эришилган келишувлар иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар яратди. Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда сиёсий мулоқот ва маслаҳатлашувларни фаоллаштириш, иқтисодий алоқалар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, нефть-газ, кончилик, геология, машинасозлик, тўқимачилик, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, фан-таълим, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналишлардан саналади.

**— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.**

— Ўзбекистондаги фаолиятим давомида халқ фаровонлигини ошириш йўлида улкан ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлмоқдаман. Сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда изчил ва самарали ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жамиятни демократлаштириш йўлида босқичма-босқич олиб борилаётган, оқилона сиёсатга асосланган янгиланишлар юксак самаралар бераётир.

Ўзбекистонда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда ва бу борада ҳавас қилса арзигулик самараларга эришилмоқда. Нафақат шаҳарларда, балки энг чекка қишлоқларда ҳам барпо этилган, замонавий ўқув қуроллари ва техника жиҳозлари билан таъминланган таълим муассасалари, муҳташам спорт иншоотлари юртингизда ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Ўзбекистоннинг ёш авлодни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш борасидаги бой тажрибасини ўрганиш биз, ҳиндистонликлар учун ҳам фойдалидир.

(Давоми 2-бетда)

Қишлоқ қурилиши

## ЗАМОНАВИЙ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ

***«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилоятида қатор ибратли ишлар қилиняпти. Хусусан, аҳоли учун якка тартибдаги уй-жойлар қуриш авжида.***

Айни пайтда Ғиждувон туманидаги Гаждумак ҳамда Вобкент туманидаги Паноб қишлоқларида замонавий лойиҳадаги уй-жойлар тезкорлик билан қад ростлаяпти. Ҳар иккала аҳоли пунктида йил охиригача йигирматадан барча қулайликка эга бўлган уйлар қуриб битказилиб эгаларига топширилади.

— Шуниси қувончлики, — дейди Паноб аҳоли пунктида бош пудратчи вазифасини бажараётган «Вобкент бунёдкор таъмир» масъулияти чекланган жамият ишбошиси Рустам Султонов, — барча бинокорлик материаллари маҳаллий маҳсулотлардир. Шу боис уйларнинг нархи ҳам арзон.

Шуни таъкидлаш керакки, келгуси йил вилоятда янги танланган аҳоли пунктларида намунавий лойиҳалар асосида 600 дан зиёд уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилади.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳоли турли қатламларининг мақсад-муддаолари ва манфаатларини ифодаловчи жамоат ташкилоти — сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади. Сиёсий партиялар аҳолининг сиёсий ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини ошириш, уларнинг давлат сиёсатини ташкил этиш ва бошқаришдаги иштирокларини таъминлаш орқали давлат ва жамият ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди, десак, муболаға бўлмайди.**

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИДА САЙЛОВНИНГ АҲАМИЯТИ

Чунки, сиёсий партиялар сайловлар орқали халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлишига кўмаклашадилар, ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишига ҳисса қўшадилар, энг муҳими, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишдек конституциявий ҳуқуқларининг рўёбга чиқишида муҳим сиёсий восита бўлиб хизмат қиладилар.

Сиёсий партиялар демократиянинг энг таъсирчан механизми бўлган сайловлар ҳисобидан муайян ижтимоий тоифа ёки гуруҳнинг манфаатини ифода этиш бўйича дастурини амалга ошириш ва ўз мақсадига етиш имконига эга бўлади. Бундай имкониятга эга бўлиш учун эса ҳар қайси партиянинг ўз электорати — уни қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий қатлам бўлиши лозим. Агар шундай бўлмаса, бу партия ҳақиқий сиёсий куч бўла олмайди.

Мустақиллик йилларида қабул қилинган, халқаро андозаларга жавоб берадиган ҳуқуқий асослар сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлади, уларнинг жамиятимиздаги ўрни, нуфузи ва мавқеини, ваколатларини янада кенгайтириш ва фаолияти самарасини ошириш борасида янги имкониятлар очиб берди. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим йўлга қўйилди. Унинг асосий ижрочиси бевосита сиёсий партиялар эканлиги қонунда мустаҳкамланди.

Конституциямизнинг 32-моддасига асосан, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Асосий Қонуннинг 60-моддасидаги сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этишлари мазмунидаги норма партиянинг давлат ҳокимияти ва жамиятда аниқ ўрнига эга эканлигини таъминлади, ушбу институтнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлади, конституциявий норма даражасига кўтарди, дейиш мумкин.

(Давоми 2-бетда)



**СУВ — МУҚАДДАС НЕЪМАТ**

3



**«ЎЗБЕКИСТОН» ПОЕЗДИ**

7



**БУХОРОНИНГ ТИМ ВА ТОҚЛАРИ**

8


O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

**Долзарб мавзу**

**Халқимиз қадим-қадимдан сувни илоҳий неъмат деб билган, уни қадрлашни фарзандларига ўргатган, сувни исроф қилишни гуноҳ деб ҳисоблаган. Дарҳақиқат, сувнинг томчисиям муқаддас... Дунё харитасини кўз олдингизга келтиринг-а, она заминимизнинг учдан икки қисми уммон, денгизлар, бир қисмигина қуруқлик. Гарчи шундай бўлса-да, умумий сувнинг нари борса, 2-3 фоизигина тоза сув...**

# СУВ — МУҚАДДАС НЕЪМАТ

## ундан оқилона фойдаланиш — бурчимиз

Мутахассисларнинг таъкидлашича, республикамизда йилига 2,9 миллиард метр кубдан ортиқ сув ишлатилади. Унинг 92 фоизи қишлоқ хўжалигига, қолгани саноат, энергетика ва бошқа соҳаларда сарфланади. Биз ер юзидаги кўп сув ишлатадиган мамлакатлар сирасига кирамиз. Пойтахтимизни олиб қарайдиган бўлсак, бир киши кеча-кундузда 600-700 литр сувдан фойдаланади. Бир суткалик меъёр эса 90-330 литрни ташкил этади. Кишини ўйлашга, мулоҳаза қилишга мажбурлайдиган томони, аҳоли томонидан ана шу оби-ҳаётнинг тенг ярми зарурий эҳтиёж учун эмас, шунчаки исроф қилинади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз томонидан мамлакатимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Республикамизда сув захираларидан тежаб-тергаб фойдаланишнинг самарали технологиясини қўллашни ҳаётнинг ўзи талаб этди. Сув харажатини, сувни сарфлашнинг аниқ ҳисоб-китобини юритиш, бунда экинларга сарфланадиган сувни тежаш, тоза ичимлик сувидан мақсадли, эҳтиёжга яраша фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиб келиняпти. Ўтган давр мобайнида унинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди.

Ҳукуматимиз томонидан вилоятларда яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда кўплаб эзгу ишлар амалга оширилди. Масалан, 2000-2005 йилларда Жиззах вилоятида 7 миллиард сўм капитал маблағ сарфланиб, Зомин — Даштобод — Зарбдор ҳамда Зарафшон — Мирзачўл ичимлик суви тармоғи ишга туширилди. Шунингдек, ўтган даврда Қорақалпоғистон Республикасида 243 километр узунликдаги Туямўйин — Тахтакўпир сув тармоқлари қуриб ишга туширилди.

Маълумки, республикамизнинг сифатли ичимлик суви кам ғарбий қисми катта маблағлар эвазига асосан шароити анча яхши ҳудудларда қурилган вилоятлараро магистрал сув қувурлари орқали таъминланади. Бухоро, Навоий сув узатиш тизими, Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини Туямўйин сув омборидан олиб тозаланадиган сув билан таъминловчи Туямўйин — Нукус — Чимбой — Тахтакўпир минтақалараро сув узатиш тизими, Туямўйин сув омборидан олиб тозаланган сувни узатувчи Туямўйин — Урганч — Гурлан — Манғит минтақалараро сув тизими Сирдарё вилоятидаги Деҳқонобод — Гулистон — Янгиер сув тизими. Уларда насослар орқали сув узоқ масофаларга етказиб берилади.

Баъзан биз ҳар куни эҳтиёжимиз учун ёки ундан ташқари фойдаланаётган бебаҳо неъмат тоза ичимлик сувига айлангунча қанча мураккаб жараёндан ўтиши, маблағлар сарф қилиниши ҳақида чуқурроқ мушоҳада қилиб кўрмаймиз. Гўё яшаётган уйимизнинг остида, қўшни девор ортидан жўмрагимизга шариллаб сув оқиб келаётгандай...

***Эрназар МАҲМУДОВ,***
***ЎзФА «Сув муаммолари» институти директори, техника фанлари доктори, профессор.***

**— Ўзбекистон дарё сув манбаларининг 80 фоизи четда, фақат 20 фоиз сув ҳудудимизда шаклланади. Шаклланадиган манбалари кам бўлишига қарамай аҳолимиз узлуксиз ичимлик суви, обиҳаёт билан таъминланган. Ҳудудимизнинг асосий сув ресурслари — Амударё ва Сирдарё транс чегаравий сув ҳавзалари ҳисобланади. Коллектор-дренаж сувларини, шаҳар, овуллардан чиқаётган оқова сувларни дарё ҳамда каналларга ташланиши Амударё, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Зарафшон дарёларининг ўрта, қуйи оқимида шу дарёлардан тўйинадиган ер ости сув манбалари, ичимлик сувини фойдаланишга яроқсиз ҳолга келтиради. Бундай салбий ҳолат аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашда қийинчилик туғдиради.**

Мамлакатимиз аҳолисини сифатли тоза ичимлик суви билан таъминлаш кўп жиҳатдан мавжуд сув иншоотларимизнинг моддий-техника базаси, аҳволига ҳам боғлиқдир. Масалан, Тошкент шаҳрини ичимлик суви билан таъминловчи сув иншоотларимизни олайлик.

***Дунанбой ҚОЗИБЕКОВ,***
***Тошкент шаҳар ҳокимияти давлат унитар корхонаси «Сувсоз» трестининг бош муҳандиси:***

**— Трестимиз пойтахт билан Тошкент вилоятининг унга туташ бўлган 4 та туманини ичимлик суви билан таъминлайди, оқова сувларини тозалаб олиб чиқиш билан шуғулланади. Ичимлик суви ишлаб чиқарадиган 7 та иншоотимиз бор, улардан 2 таси очиқ сув ҳавзаси — Қадрия ва Бўзсув сув иншоотлари. Қолгани — Қибрай, Сергели, Бектемир, Қорасув ва Жанубий ер ости сув иншоотларидир. Кўпчилик сув дарёдан оқиб келиб ичимлик сувига айлангунча мураккаб жараёнлардан ўтишини хаёлига келтирмайди. Сувнинг қадрига етиш, қийматини чуқур англаши учун аввало ана шу жараёнлар ҳақида билимга, маълумотга эга бўлиши керак. Сув ишлаб чиқариш уч босқичдан иборат мураккаб тозалаш жараёнидан иборат. Анҳор, канал, ариқдаги сувга қарасангиз таги кўринмайди, ичида қуйқа, лойқа бор...**

Биринчи жараёнда дарё сувлари мавжуд махсус, ҳажми 1 миллион ва 500 минг куб метрдан иборат 2 та тиндиргичларда «тинади» ва насослар орқали сизотларга кўтарилиб берилади. Бу жараёнда дарё сувидаги лойқалар, маиший чиқиндилар «чўкади», тозаланади. Иккинчи босқичда сув кварц, қумдан ўтказиб тозаланади, шаффоф ҳолга келтирилади. Учинчи босқичда сув хлор, гиппохлорид натрий солиб микроорганизмлардан тозаланади. Сўнгра, истеъмолчиларга тоза ичимлик суви ҳолида узатилади.

Сувни, айниқса, ёғингарчилик ойларида тиндириш учун қўшимча воситалар аччиқ тош, коагулянт қўшиб тозаланади. Бу жараёнларга катта маблағлар сарфланади. Ҳозирги пайтда сувни зарарсизлантиришда баъзи иншоотларда хлор ўрнига гиппохлорид натрий тузи ишлатиляпти. Чунки туз саломатлик учун фойдали.

Афсуски, аҳолимиз баъзан ана шундай катта маблағ, мураккаб меҳнат орқали етиштириладиган ичимлик сувидан пала-партиш фойдаланади, исроф қилади. Шаҳримизда 3 минг 590 километрдан ортиқ сув тармоқлари бор.

Европа Тикланиш ва Тараққиёти банкининг 10 миллион долларлик инвестицияси билан пойтахтда мавжуд сув иншоотлари тўлиқ реконструкция қилинди. Яна бир муҳим жиҳати, ушбу сув иншоотларидаги жараёнлар тўлиқ автоматик бошқаришга ўтказилди. Сув сифатини назорат қиладиган лабораториялар керакли асбоб-ускуналар билан таъминланиб, жаҳон андозаларига мослаштирилди.

***Алексей ШАРИПОВ,***
***«Бўзсув» бош сув иншооти бош муҳандиси:***

**— Иншоотимизда дарёдан келаётган сувга қайта ишлов берилади, фильтрланади, зарарсизлантирилади ва шаҳар аҳолисига истеъмолга узатилади. Бир кеча-кундузда максимум 264 минг куб метр сув қайта ишлаб чиқарилади. Айни пайтда минимал режимда 167 минг куб метр сувни тозалаб истеъмолчиларга узатаяпмиз. Мамлакатимизда биринчи бўлиб сувни гиппохлорид натрий, яъни йодланмаган туз билан тозалаш технологиясини жорий этганмиз. Иншоотимизда ишлаб чиқарилаётган ичимлик сувимизнинг сифати, қайта ишлаш технологиялари жаҳон стандартлари меъёрларига тўлиқ жавоб беради.**

Тизим мутахассисларининг таъкидлашича, сув иншоотларини автоматик тарзда бошқаришнинг афзалликлари кўп. Масалан, аҳоли қишда, ёмғирли, салқин вақтларда сувдан нисбатан камроқ фойдаланади. Автомат истеъмол камайганини дарҳол маълум қилади.

Тизим компьютер орқали бошқарилади. Зудлик билан сув ишлаб чиқариш камайтирилади, яъни сарф-харажатлар иқтисод қилинади. Бу сувнинг таннархини арзонлаштиради.

— Одамзоднинг феъли шунақа, гоҳо биз мўл-кўл кўринган нарсани тежашга ҳаракат қилмаймиз. Мана, биз хориж ундай, хорижда одамлар бундай яшаркан, деймиз оғзимизнинг таноби қочади. Масалан, арабларни олайлик. Чунки, араб мамлакатларида тўрт фасл — йил ўн икки ой ҳарорат баланд. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бир киши кеча-кундузда 70-80 литр тоза ичимлик суви ишлатар экан. Ёки сувнинг «қоқ ўртаси»да жойлашган Европа давлатларида-чи? Европаликлар кунига 180 литр сувдан фойдаланишади.

Кимдир айтиши мумкин, хўш, ўша кир ювиш, гилам ювишга ортиқча сарфланган арзимаган ичимлик суви «от билан туя бўлармиди?» деб. Олимларнинг ҳисоб-китобларича, «арзимаган» 5 дақиқада 20 литрдан ортиқ сув беҳудага оқиб кетаркан. Энди шуни 560 минг абонентдан иборат пойтахт хонадонларига нисбатан олсак, беш дақиқада 11 миллион 648 минг литрдан ортиқ ичимлик суви бекорга оқиб кетади. Республика миқёсида олсакчи? Бугунги кундагидай 600-700 литр эмас, меъёрдаги 90-330 литр сув сарфласак, сарф харажатлар 30 фоизга қисқаради. Пойтахтнинг ўзида бир кеча-кундузда 12 миллион сўм маблағ тежаб қолинади.

Тоза ичимлик сувидан бундай хўжасизларча фойдаланиш республикамизнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиётига салбий таъсир этади.

Фикримизни Тошкент шаҳри мисолида олиб қарайлик-чи.

***Ғайбулла СОЛИҲОВ,***
***Тошкент шаҳар ҳокимияти давлат унитар корхонаси «Сувсоз» тресты бош муҳандиси ўринбосари:***

**— Сарф-харажатлар асосан электр энергияси, сувни лойқадан тозалаш учун зарур бўладиган коагулянт, бактериялардан тозалаш мақсадида ишлатиладиган хлор, туз, насос ҳамда бошқа ускуналар сотиб олиш, сув узатиш магистрал қувурлари ҳамда ички қувурлардан фойдаланиш, уларни ўз вақтида алмаштиришга кетади. Масалан, Тошкент шаҳри аҳолисига кеча-кундузда ўртача 2 миллион 300 минг метр куб ичимлик суви етказиб берилади. Ана шу миқдордаги сувни истеъмолга яроқли ҳолга келтириш учун ўрта ҳисобда 10 тонна аччиқ тош, 2 тонна хлор, 820 минг кв/соат электр энергияси сарфланади. Пойтахт аҳолиси бир кеча-кундузда 40 миллион сўмлик ичимлик суви истеъмол қилади.**

**Турмушнинг ўзи бугун тоза ичимлик сувидан фойдаланишда аҳолининг бу масалага тўғри муносабатда бўлиши нақадар аҳамиятли эканини кўрсатиб турибди.**

**Маълумки, Президентимиз томонидан сувдан оқилона фойдаланишда муайян чора-тадбирлар белгиланяпти. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 3 январдаги «Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 августдаги «Совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагич асбоб-ускуналари ўрнатиш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида «Сувсоз» ДУК тресты ва «Тошиссиқликқуввати» ИЧБ сув истеъмолини ҳисобловчи асбобларни ўрнатиш бўйича қатор ташкилий ишларни олиб боряпти.**



Кўриниб турибдики, тоза ичимлик суви машаққатли меҳнат, мураккаб технологик жараёнлардан сўнг истеъмолчиларга етказиб берилади. Тоза ичимлик сувининг қадри, қиймати баланд. Афсуски, аҳоли орасида унинг қадр-қимматига беписанд муносабатда бўлиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Кундалик рўзғор учун ишлатиладиган тоза ичимлик сувини олайлик. Оддий мисол, биз гоҳида кир ювиш, чайқаш, айниқса, ёз ойларида гилам, поёндозлар, шахсий автомашиналарни тозалаш учун юмушимизни тамомламагунча сувнинг жўмрагини беркитмаймиз, шариллаб оқиб ётаверади. Боз устига, туман, шаҳар, пойтахтдаги кўп қаватли уйларда, маҳаллаларда яшовчилар 10-20 қулочли резина шлангни 1-қаватдаги хонадон, ертўладаги водопровод жўмрагига улаб қўйишади-да, ҳовлидаги ўсимликларни суғоришади, йўлакларга қўллатиб ичимлик сувини сепишаверади... Қиш кунларида эса ҳатто иссиқ сув қувурларига шланга улаб, енгил автомашиналарни ювaётганларга дуч келамиз.

Уларга яқинлашиб танбеҳ бериб кўринг-чи?.. «Нима камайиб қолармиди?», — дейди. Чунки сувнинг меҳнати, қадри, уволи ҳақида умуман тушунчага эга эмас. Ҳеч ким индамаса, айниқса, масъуллар индамаса билганини қилаверадида. Сув ҳақини тўлашга келганда эса яна муаммолар туғилади...

***Ғайбулла СОЛИҲОВ:***

**— Бугун биз бозор иқтисодиёти шароитида яшаяптиз. Ҳамма жабҳада бўлгани сингари, бизнинг соҳадаям энди — таъминотчи ва истеъмолчи бор. Айтайлик, ичимлик суви сифатини ошириш, таннархини тушириш ўзимизга боғлиқ.**

**Ҳукуматимиз томонидан табиий ресурслар, газ, нефт, сув ва ундан тежаб-тергаб фойдаланиш тўғрисида меъёрий ҳужжатлар, қарор ва қонун қабул қилинган. Табиий ресурсларни иқтисод қилиш давлатнинг иқтисодий салоҳиятини оширади ва одамларнинг шахсий маблағларини тежайди, ҳамёнини бойитади. Афсуски, баъзи одамлар бу масалага бепарво, лоқайд қарашади.**

**Биродар, ўйлаб кўринг, табиатда сувнинг ўрнини ҳеч нарса қоплай олмайди, сувнинг муқобили йўқ... Уни тежаш, асраш, тоза сақлашга мажбурмиз. Исроф қилинаётган сувга сарфланган маблағчи? Бу сарф-харажатларни ким қоплайди? Таъминотчи исроф бўлган сувнинг харажатини таннарх ҳисобидан қоплайди. Агар истеъмолчилар сувни тежаса, табиийки, унинг таннархи тушади.**

**Бугунги кунда ичимлик ва оқова сувлардан умумий дебиторлик қарзлари оз эмас. Ваҳоланки, бу масаланинг ечими таъминотчи ва истеъмолчи, яъни ўзимизга боғлиқ.**

**Биз, соҳа ходимлари эса иқтисод қилинган маблағларни сув тармоқларини янгилаш, таъмирлашга сарфлаймиз.**

**Сув исрофгарчилигининг олдини олиш учун режалар ишлаб чиққанмиз. Сув таъминотини яхшилаш бўйича Япониянинг «Жайка» фирмаси, голландиялик мутахассислар билан лойиҳаларни амалга оширдик. Хорижий давлатларда аҳолининг сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш учун оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилар экан, боғчада махсус машғулотлар, мактабларда фан ўқитилар экан.**

**Биз ҳам буклетлар, роликлар тайёрлаб, намойиш этяпмиз. Айниқса, аҳоли орасида сув ҳисоблагич асбобларидан фойдаланиш борасида олиб борган ташвиқотларимиз ижобий натижасини бера бошлади. Бугунги кунда пойтахтимизда шахсий уй-жойларда 34 фоиз, кўп қаватли уйларда 62,2 фоиз, ташкилот ва корхоналарда 100 фоиз сув ўлчагич асбоблари ўрнатилди.**

— Сув ҳисоблагичнинг фойдали томони кўп экан, — дейди. **Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги М.Риёзий мавзеси, 23-уй, 5-хонадон бекаси Феруза Худойназарова.** — Аввало, сувдан тежаб фойдаланишга одатландик, оилавий бюджетимизга ҳам фойда бўляпти.

Сув бетакрор назир, оби-ҳаёт тириклигимиз манбаи. Ичимлик суви инсон қўли билан яратилаётган машаққатли меҳнат меваси. Уни увол-завол қилишдан асрашнинг эса савоби катта.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

***Суратда:*** *«Бўзсув» бош сув иншоотининг зарарсизлантириш лабораторияси бир гуруҳ ходимлари иш устида.*

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** *Газетамизнинг шу йил 3 ноябрь сонида эълон қилинган* ***«Газнинг меҳнати, қадри ва ҳаққи»****, 1 декабрь сонидаги* ***«Уйингиз нурга тўлсин»*** *сарлавҳали мақолаларда мамлакатимизда газ ва электр энергияси ишлаб чиқариш жараёнларига сарфланадиган меҳнат ва харажат, аммо айрим жойларда улардан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани, ноқонуний фойдаланиш ҳоллари юз бераётгани ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган эди.*

***«Сув — муқаддас неъмат»*** *сарлавҳали бугунги мақолада эса жамоатчилик эътиборини ичимлик суви қадри, уни истеъмолчига етказиб бергунча бўлган машаққатли жараён, сувдан фойдаланишда йўл қўйилаётган исрофгарчиликларга қаратишга ҳаракат қилдик.*

*Мақолада ўз фикрини билдирган мутахассислар таъкидлаганидек, ичимлик суви тайёр ҳолда ғойибдан пайдо бўлаётгани йўқ. Унга кўпдан-кўп меҳнат ва маблағ сарфланмоқда. Афсуски, уни тежаш, қадрига етишга ҳамма ҳам етарли эътибор бермаётганидан кўз юмолмаймиз. Кундалик турмушда ичимлик сувини беҳисоб даражада исроф қилиш ҳоллари учраб турибди. Агар сув, газ, электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдалансак, оиламиз бюджетини ортиқча харажатдан асраймиз, мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишига ҳисса қўшган бўламиз.*

*Ҳурматли газетхон!*

*Сув — ҳаёт манбаи, демак у муқаддас неъмат. Айни чоғда ичимлик суви беҳисоб эмас. Кўплаб мамлакатларда у ноёб неъмат бўлиб турибди. Унинг танқислиги тобора ошиб бормоқда. Демак, унга лоқайд муносабатда бўлиш бу муаммони янада кескинлаштиради. Шундай экан, сувни тежаш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, умуман, сувга муносабатни тубдан ўзгартириш, яъни сувга муносабат маданиятини юксалтириш учун нималарга эътибор қаратиш керак?*

*Сизнинг фикр-мулоҳазангиз, таклифларингиз сувдек муқаддас неъматни тежашга, мамлакатимиз иқтисодиётини ортиқча сарф-харажатлардан асрашдек эзгу ва савоб мақсадларга хизмат қилади.*

---

**ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти**

# ЎЗ ЎРНИ ВА ҲИССАСИ БОР

***ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан «Қишлоқ хотин-қизларини иш билан таъминлаш мониторинги» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Самарқанд вилоят ва Самарқанд туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмиталари, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ва Инқирозга қарши чоралар дастуридан келиб чиқиб амалга оширилган ишлар, фаол аёлларнинг бу жараёндаги иштироки масалалари муҳокама этилди.

— Асосий мақсадимиз қишлоқ аёлларини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни иш билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтиришдир, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Дилбар Имомова. — Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бевосита партиямиз фаол аёллари ташаббуси билан 100 нафар аёл иш билан таъминланди. Бундан ташқари, партиямизнинг фаол, ташаббускор хотин-қизлари саъй-ҳаракати туфайли қишлоқ аёлларининг ҳуқуқий билимларини оширишга йўналтирилган тадбирлар, семинар-тренинглар ўтказилади. Шунингдек, айни кунда ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти томонидан белгиланган дастурга биноан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга партия томонидан кўрсатилган хотин-қиз номзодларнинг сайловолди тадбирларини изчил ва самарали ташкил этишга кўмаклашишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Тадбирда, шунингдек, ЎзХДП Самарқанд туман кенгаши раиси Сурайё Норматова, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим мудири Бахтиёр Мамаражабов, «Сабр» ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази ходими Зебинисо Ибрагимова ва бошқалар сўзга чиқиб, бугунги кунда ижтимоий-сиёсий ҳаётда аёлларнинг алоҳида ўрни, тараққиётда муносиб ҳиссаси борлиги, эндиги вазифа уларни янада фаоллаштириш эканини таъкидладилар.

**Абдували ХУДОЁРОВ**

---

**Қарор ва ижро**

***Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги «2009-2010 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарорида вилоятда саноатнинг салоҳиятини, биринчи навбатда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун қишлоқ хўжалиги хомашёси ва минерал хомашёни саноат йўли билан қайта ишлаш, замонавий юқори технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, шу асосда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини оширишга алоҳида эътибор берилган.***

# «ВОДИЙ ИПАГИ»НИНГ ШУҲРАТИ

## юксалишига ишонч ортмоқда



Қарор асосида вилоятда бир қатор саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қуввати оширилишига замин яратилди. Улардан бири «Водий ипаги» масъулияти чекланган жамиятдир. Корхонада пилла хомашёсидан саноатбоп хом ипак ип ишлаб чиқарилади. Жорий мавсумда пиллакорлардан 300 тонна хомашё қабул қилиб олинганди. 870 нафар ишчи меҳнатининг натижаси ўтган қисқа муддатда кўзга ташланди. Тайёрланган саноатбоп хом ипак салмоғи 25 тоннадан ошиб кетди.

Жамият раҳбари Аюбхон Мадраҳимовнинг айтишича, корхонада ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириш, замонавий дастгоҳлар келтириш учун 5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. Айни пайтда лойиҳалаш ишлари ниҳоясига етказилди. Янги замонавий дастгоҳлар ишга туширилгач, ишлаб чиқариш сифати ва салмоғи кескин ўсади. Тўқув ва бўяш цехлари ишчилар сони яна 600 нафарга ортади.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ҲАФИЗАХОН КАРИМОВА

*(9-Андижон сайлов округи)*



***1960 йилда Балиқчи туманида туғилган. Тошкент давлат маданият институтини тамомлаган. Мутахассислиги — кутубхоначи.***

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Балиқчи туманида кутубхона мудирлигидан бошлаган. 1985-1988 йилларда Андижон шаҳар «Коммунар» корхонасида иқтисодчи, кутубхона мудири вазифаларида ишлаган. 1988-2000 йилларда вилоят кутубхонасида катта кутубхоначи, етакчи мутахассис, бош мутахассис, илмий услубият бўлими мудири вазифаларида ишлаган. 2000-2001 йилларда вилоят болалар кутубхонасига раҳбарлик қилган. Ҳозир у Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази директори.

Марказда 515 минг нусхадан ортиқ адабиёт, 110 номдаги газета-журналлар бор. 2007 йилда ташкил этилган ахборот технологиялари бўлими ва компьютер залида интернет орқали таълим тармоғидан фойдаланиш имконияти яратилди. У шу даргоҳда ташаббускор ва тажрибали етук раҳбар, меҳрибон устоз сифатида танилди.

Маънавият, ижтимоий ҳимоя масалалари муаммолари номзоднинг сайловолди дастуридан ўрин олган.

— Китобга ошно кишининг маънавияти юксалади, — дейди у. — Лекин, мамлакатимизда кутубхоначилик маданиятини оширишга хизмат қиладиган қонун яратилмаган. Мен ахборот-ресурс марказлари фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, китобхонларга ахборот-ресурслардан унумли фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашга хизмат қиладиган қонун ишлаб чиқилишини орзу қиламан. Шу орқали юртимизда китобхонлик даражасини янада ошириш, миллат маънавиятини юксалтириш, халқимиз илмий салоҳиятини кучайтириш мумкин, деб ҳисоблайман.

Халқимиз, айниқса, ёшларнинг маънавий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ногиронлар, кўзи ожизлар учун жамоа ва маҳаллаларда ностационар ахборот хизмати кўрсатишни кучайтириш ҳам дастуримнинг асосини ташкил қилади. Агар депутатликка муносиб кўрилсам, юқорида тилга олган долзарб масалалар ечимига қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар яратилишининг ташаббускори, ижодкори бўлишга ҳаракат қиламан.

Бундан ташқари, хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, иш билан бандлигини таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш билан янги иш ўринлари яратишга эътиборни қаратишнинг, айниқса, аҳоли зич жойлашган ҳудудда аҳамияти катта. Партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, бу борадаги қонунларни такомиллаштиришга ҳам ўз ҳиссамни қўшаман.

## МУҲАММАДЖОН ЮЛДАШЕВ

*(10-Олтинкўл сайлов округи)*

***1957 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Андижон давлат педагогика институтини, Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Мутахассислиги — математика ўқитувчиси, иқтисодчи, сиёсатшунос.***



Меҳнат фаолиятини 1978 йилда Андижон қурилиш техникуми методистлигидан бошлаган, кейин ҳарбий хизматда бўлган. 1980 йилда ўрта-махсус ўқув юртлари, ёшлар ташкилотларида масъул вазифаларда ишлаган. 1999 йилдан Андижон вилояти агросаноат уюшмаси, савдо, матлубот жамиятлари ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси, ХДП вилоят кенгаши, Андижон вилоят ҳокимлигида турли вазифаларда фаолият кўрсатган. 1995 йилдан Андижон шаҳар ҳокими ўринбосари бўлиб хизмат қилган. 1996-1997 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси бўлган. 1997 йилдан Андижон вилояти ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи бош мутахассиси, 1999 йилдан Савдо, матлубот ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси, 2008 йилдан Андижон давлат университети мураббийлар кенгаши раиси, ўқитувчиси лавозимларида ишлади. 2009 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши раиси.

Муҳаммаджон Юлдашев катта ҳаётий тажрибага эга. Ўқиш, ўрганиш, изланишда асло чарчамайди. Зиммасидаги масъулиятни теран тушуниши, фидойилиги билан обрў-эътибор қозонган.

— Партиямиз электорати манфаати доимо диққат марказимизда бўлмоғи керак, — дейди у. — Кам таъминланган оилалар, ногиронларнинг турмуш тарзи муаммоларини янада самарали ҳал этишга асос бўладиган қонунлар устида ишлашни бурчим деб биламан.

Ҳаёт илгарилаб, ривожланар экан, қонунлар ҳам уларга мос равишда такомиллашиши керак. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш жараёнларига ҳамоҳанг қонунлар яратилишида фаол қатнашмоқчиман. Ёшларни диний ақидапарастлик, халқаро терроризм таҷовузидан сақлашга доир мукаммал ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш юзасидан таклифларимни илгари сурмоқчиман.

## УСМОНЖОН ХОЖИАКБАРОВ

*(11-Бўз сайлов округи)*



***1968 йилда Бўз туманида туғилган. Фарғона политехника институтини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳисобчи-иқтисодчи.***

Меҳнат фаолиятини 1991 йилда Бўз туман Марказий шифохонасида ҳисобчиликдан бошлаган. Сўнг Бўз тумани молия бўлимида пенсия ва нафақалар бўйича 1-тоифали тафтишчи-назоратчи, 1994 йилдан Бўз туман молия бўлими бошлиғининг ўринбосари — бюджет инспекцияси раҳбари, 1998 йилдан туман ҳокимининг ўринбосари лавозимида ишлаган. 2004-2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида тингловчи бўлган. 2005-2007 йилларда туман ҳокимининг ўринбосари, вилоят статистика бош бошқармаси бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилган. 2008 йилдан туман молия бўлими бош иқтисодчиси.

— Мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун бор имкониятларни сафарбар этишимиз керак, — дейди у. — Қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш учун чет эл инвестициясини жалб этишга доир ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш кун тартибидаги масалалардан бири. Ахир, шаҳарга ёки қишлоққа инвестиция киритиш ўртасида катта фарқ бор. Шу боис қишлоқларимиз фаровонлигини оширишга ўз маблағларини йўналтирмоқчи бўлган инвесторлар учун янада қулай, икки томон манфаати ҳам бирдек ҳисобга олинган шарт-шароитларни яратиш, инвесторларни жалб қилишнинг самарали усулларини топишимиз керак, деб ҳисоблайман. Шунда қишлоқ жойларда янги иш ўринлари кўпаяди, аҳолининг кенг қатлами меҳнат билан таъминланади.

Аҳолининг муҳтож қатламини ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш, ёшларимизнинг билимли, ҳунарли, соғлом бўлиб вояга етиши учун мавжуд имкониятларимиздан кенг фойдаланишимиз лозим. Қўли гул халқимиз ва зеҳнли ёшларимиз ўз иқтидорларини тўлиқ намойиш этишлари учун ҳунармандчилик, касаначилик, зироатчиликни ривожлантириш, халқ ижодиёти уйлари, маданият-маърифат масканлари ишларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланиши лозим. Бундай ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида янги сайланадиган депутатларимиз ташаббускор, ижодкор бўлишлари талаб этилади.

Агар сайловчилар мени депутатликка муносиб кўришса, халқимизнинг ишончини оқлаш учун Ватанимиз фаровонлигини оширишга қаратилган қонунлар қабул қилинишида бор билим-тажрибамни ишга соламан.

## БАҲОДИРЖОН МИРЗААҲМЕДОВ

*(12-Шаҳрихон сайлов округи)*



***1957 йилда Андижон туманида туғилган. Тошкент аграр университетини тамомлаган. Мутахассислиги — зооинженер.***

Меҳнат фаолиятини Андижон туманидаги ширкат хўжалигида бош ветеринар сифатида бошлаган. Бош зоотехник бўлиб ишлаган. 1994-2000 йилларда Андижон вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сифати бўйича давлат инспекциясида 1-тоифали мутахассис, 2000-2007 йилларда Андижон вилояти ҳокимлигида назорат инспекциясининг етакчи мутахассиси, бош инспектори, ташкилий-назорат гуруҳи бош мутахассиси, ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари вазифасини бажарувчи, 2007-2008 йилларда Андижон вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлимининг етакчи мутахассиси лавозимларида ишлаган. 2008 йилдан касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раисининг ўринбосари.

У оддий одамлар билан ишлаш, қонунлар, қарорларнинг ижросини таъминлаш бўйича катта тажриба тўплади. Шу сабабли бугун кишиларни нима ташвишлантираётгани, ушбу масалаларни қандай йўллар билан ҳал этиш мумкинлиги тўғрисида ўз фикри, қарашлари бор.

— Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, пенсионерлар ва ногиронлар турмушини яхшилаш учун курашиш, кам таъминланган оилаларга кўмак бериш механизмларини такомиллаштириш масалалари партиямизнинг сайловолди сиёсий позициясида ўз ифодасини топган, — дейди у. — Шундай экан, агар депутат этиб сайлансам, бугун партиямиздан кўрсатилаётган номзодлар қатори мен ҳам ушбу мақсадларни амалга ошириш учун бор куч-ғайратимни сарфлашим табиий. Бундан ташқари, шу вақтга қадар тўпланган тажрибамдан келиб чиқиб, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишловчиларнинг ижтимоий ҳимояси, ички ва ташқи меҳнат миграцияси масалаларида қонунчиликка зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифларим бор. Ходимлар меҳнати самарадорлигини ошириш, уларнинг ўз соҳаларида янги ютуқларни қўлга киритиши учун шарт-шароитлар яратиш масаласида иш берувчиларнинг масъулиятини қонун билан кучайтириш зарур, деб ўйлайман.

## АБДУВОСИТ ХОЛМАТОВ

*(13-Асака сайлов округи)*



***1950 йилда Хўжаобод туманида туғилган. Тошкент давлат чет тиллари институтини тамомлаган. Мутахассислиги — француз тили ўқитувчиси.***

Меҳнат фаолиятини Андижон давлат тиллар педагогика институтида ўқитувчиликдан бошлаган. 1972-1973 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. Шундан сўнг, Хўжаобод туманининг Найман қишлоғидаги 17-ўрта мактабда ўқитувчилик қилди, давлат ва жамоат ташкилотларида турли лавозимларда ишлади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хўжаобод, Булоқбоши туман кенгашлари раҳбари сифатида фаолият кўрсатди. 1995-2006 йилларда ширкат хўжаликлари бошқаруви раиси бўлган. 2006 йилдан 11-махсус мактаб-интернат директори.

Абдувосит Холдорович ўзига нисбатан жуда талабчан, қатъиятли. Партиявий ишда, ҳаётда узоқни кўзлаб, мулоҳаза билан иш тутади. Кўпчиликни тўғри йўлга бошлаши билан ишончга сазовор бўлган.

ЎзХДП Хўжаобод, Булоқбоши туман кенгашларига раҳбарлик қилган даврда бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш юзасидан кўпгина ишларни амалга оширди. Партиянинг жамиятдаги нуфузини кучайтиришда ҳам унинг хизматлари катта.

— Қонунчилик палатасига номзодим кўрсатилиши менга ишончу эътибордир, — дейди у. — Агар депутат этиб сайлансам, албатта бу ишончни оқлаш учун ҳаракат қиламан.

Аввало, ёш авлод тарбияси, униб-ўсиб келаётган йигит-қизларни баркамол инсон қилиб тарбиялашни кучайтириш, таълим жараёнларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларим бор. Бугунги тараққиёт, глобаллашув жараёнлари, мамлакатимизнинг дунё халқлари билан ўзаро ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бораётган бир вақтда катта ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир йигит-қиздан хорижий тилларни билиш, эркин ёзиш, сўзлай олиш талаб этилмоқда. Тўғри, ўрта, ўрта-махсус, олий таълим муассасаларида хорижий тиллар ўқитилади. Аммо бугун меҳнат фаолиятини бошлаётган кишиларнинг барчаси ҳам хорижий тилларни талаб даражасида билади, деб бўлмайди. Шунинг учун мен хорижий тилларни ўқитишда ўқитувчилар масъулиятини ошириш, уларнинг зарур бўлса чет элларда тажриба, малака оширишини ташкил этиш, тил ўқитиш соҳасидаги шарт-шароитларни янада яхшилаш борасида таклифларимни илгари сурмоқчиман.

## ЎКТАМЖОН АХУНОВ

*(14-Марҳамат сайлов округи)*

***1949 йилда Жалақудуқ туманида туғилган. Андижон давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — физика ўқитувчиси. «Шуҳрат» медали соҳиби.***



Меҳнат фаолиятини 1970 йилда Жалақудуқ туманидаги 31-мактабда физика фани ўқитувчилигидан бошлаган. Ҳарбий хизматдан қайтгач, ушбу мактабда директор ўринбосари, директор бўлиб ишлади. 1988-1989 йилларда тумандаги 4-мактаб-интернатда илмий бўлим мудири, директор бўлди. Кейинроқ Жалақудуқ туман партия ташкилоти котиби, давлат хўжалиги директори, 1993-1994 йилларда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари сифатида фаолият кўрсатди. 1994-2008 йилларда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси, Хўжаобод тумани ҳокими, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, «Андижонгўштсутсаноат» ишлаб чиқариш бошқармаси раиси, Андижон шаҳар халқ таълими бўлими мудири лавозимларида хизмат қилди. 2008 йилдан Андижон шаҳридаги Ёшлар маркази директори ўринбосари.

Унинг меҳнаткашларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги қобилияти Андижон вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси раиси бўлиб ишлаган пайтида яққол намоён бўлди. Ҳафта кунларининг бири «Қуйи ташкилотлар куни» деб эълон қилинди. У ёки бу саноат корхонасига, ўқув даргоҳларига чиқиб, ҳақиқий аҳволни ўрганди. Иш шароитлари талабга жавоб берадими? Ойлик иш ҳақлари вақтида бериляптими? Иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги битим ижроси қандай? Ишдан ноқонуний бўшатишларнинг олдини олиш учун яна нималар қилиш керак? Бу масалалар доимо унинг диққат марказида бўлди. Фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришни таъминлаш юзасидан қатор таклифларни ўртага ташлади. Умуман олганда, ўз меҳнат фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлаган номзод давлат ва жамоат ташкилотларида турли вазифаларда ишлаб, жуда катта тажриба тўплади.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## ДИЛЗОДА МУТАЛОВА

*(15-Хўжаобод сайлов округи)*



***1955 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.***

Меҳнат фаолиятини 1977 йилда Жиззах вилояти Пахтакор туманида давлат нотариал идораси нотариуси сифатида бошлаган. 1982-1996 йилларда Жиззах шаҳар халқ суди судьяси, Жиззах вилоят адлия бўлими катта маслаҳатчиси, Зарбдор туман давлат нотариал идораси нотариуси, Жиззах вилояти Адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси, Дўстлик туман ҳокимлигининг ҳуқуқшуноси, туман ФҲДЁ бўлими мудири лавозимида ишлаган. 1996-2006 йиллардаги Андижон вилоят ФҲДЁ Олтинкўл туман бўлими мудири, Андижон вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Андижон шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири лавозимларида хизмат қилди. 2006 йилдан Хўжаобод туман ФҲДЁ бўлими раҳбари вазифасини бажариб келади.

Дилзода Муталова партиямиз ғояларининг фаол тарғиботчиси. Партиядошлар, маҳалладошлар, хотин-қизлар даврасида тез-тез бўлиб, янги қонунлар мазмун-моҳиятини тушунтиради, ҳуқуқий маслаҳатлар беради. Муаммолар ечимини ҳамжиҳатликда топишга кўмаклашади. Тажрибали амалиётчи юрист сифатида қонунларни такомиллаштириш юзасидан ўз таклифлари бор.

Депутатликка номзод ўз навбатида қонунларни мукаммаллаштириш хусусида ҳам кўп ўйлайди, мулоҳазалар билдиради.

— Оила кодекси, «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги Низом ва «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари»да бир қатор номувофиқликлар мавжуд, — дейди у. — Оила кодексининг 13-моддаси «Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин», деб белгиланган. Лекин «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги Низом, «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари», «Тиббий текширувдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома бўлмаганда никоҳни қайд этишга йўл қўйилмайди» деган талаб борлиги 13-моддани қўллашда қийинчилик туғдирмоқда.

— Депутат бўлиб сайлансам, ана шундай номувофиқ ҳолатларни бартараф этиш учун ҳаракат қиламан. Ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ қонунларнинг жойларда ижро қилиниши юзасидан депутатлик назоратини кучайтириш лозим, деб ҳисоблайман. Шунингдек, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада кучайтириш, оилани мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан ҳам тажрибага асосланган таклифларни илгари сурмоқчиман.

## ИКРОМИТДИН ВАЛИЕВ

*(16-Пахтаобод сайлов округи)*

***1952 йилда Пахтаобод туманида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ва Андижон қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. Мутахассислиги — ўқитувчи, агроном.***



Меҳнат фаолиятини Пахтаобод туманидаги жамоа хўжалигида бошлаган. Кейин Андижон шаҳридаги 37-ҳунар билим юртида, давлат ва жамоат ташкилотларида турли лавозимларда ишлаган. 1992-1999 йилларда Пахтаобод тумани ҳокимлиги бўлим мудири, ҳоким ўринбосари, туман халқ таълими бўлими мудири лавозимларида хизмат қилган. 1999 йилдан 2008 йилгача «Маънавият ва маърифат» маркази Андижон вилоят бўлими раҳбарининг ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори, Андижон шаҳар ҳокимининг диний ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар бўйича маслаҳатчиси, ҳоким ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди. 2008 йилдан «Маҳалла» жамғармасининг Андижон вилояти бўлими раиси.

— Менинг сайловолди режам партиямизнинг сайловолди сиёсий позициясига асосланади, — дейди у. — Кўп болали, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қонунларнинг, шунингдек, ижтимоий йўналтирилган меъёрий ҳужжатларнинг такомиллаштирилиши, бажарилиши бўйича назорат-таҳлил кучайтирилиши керак, деб ўйлайман. Негаки, қонун қабул қилингани билан унинг жойлардаги ижроси таъминланмаса, қонун яратган имкониятлардан кишилар фойдалана олмайди. Бундай шароитда қонуннинг кучи ва обрўси қолмайди. Одамларнинг ишончи йўқолади. Шунинг учун парламент назорати институтидан самарали фойдаланиш зарур, деб ҳисоблайман. Қолаверса, истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқини ҳамда таъминотчи ва хизмат кўрсатувчилар масъулияти билан боғлиқ масалаларга ҳам қонунчилик асосида янада кучли эътибор қаратилиши керак. Электр таъминотида узилишлар бўлади. Бундан истеъмолчи зарар кўриши мумкин. Лекин бунга хизмат кўрсатувчи корхона мутасадди раҳбарлари жавоб бермайди. Истеъмолчи эса ўз ҳуқуқини тўлақонли ҳимоя қила олмайди. Сайловчилар ишончини қозониб депутат этиб сайлансам, юқоридаги каби масалаларнинг самарали ечимини топиш учун ҳаракат қиламан.

## ҚОСИМ МУҲАМАДЖОНОВ

*(17-Қўрғонтепа сайлов округи)*



***1960 йилда Қўрғонтепа туманида туғилган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битирган. Мутахассислиги — инженер-технолог.***

Меҳнат фаолиятини давлат хўжалигида бошлади. 1983-1986 йилларда ип-газлама комбинати, тўқув фабрикасида турли вазифаларда ишлаган. 1986-2003 йилларда Қўрғонтепа туманидаги 16-ҳунар-техника билим юртида ишлаб чиқариш таълими устаси, махсус фан ўқитувчиси, директор ўринбосари вазифаларида меҳнат қилди. 2003 йилдан Қўрғонтепа енгил саноат коллежи, 2004 йилда эса индустриал-педагогика касб-ҳунар коллежи директори этиб тайинланди.

— Коллежда таълим олаётган ҳар бир талаба ўғлим-қизимдек бўлиб қолган, — дейди у. — Уларнинг етук, билимли бўлиб вояга етиши юртимизнинг эртаси учун муҳим. Таълим масканимизда ўғил-қизларнинг билим, касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Яқинда икки ўқувчим — Дурдона Неъматжонова ва Наргиза Мадаминов енгил атлетика бўйича Самарқандда ўтказилган саралаш мусобақасида олтин медаль олиб, Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ўтказиладиган халқаро мусобақага йўлланмани қўлга киритди. Нигора Аҳмедова каратэ бўйича Осиё чемпиони.

Тўғрисини айтиш керак, коллежларни тугатаётган ёшларимиз иш топишда қийинчиликка дуч келмоқда. Баъзи жойларда уларни ишга жойлаштириш қоғозлардагина, юқорига маълумот узатиш учун «бажарилади». Бундай кўзбўямачиликдан кимга наф? Ёшларнинг бандлиги масаласи ҳар доим эътиборда туриши керак, деб ҳисоблайман. Бу борада самарали, ҳаётда ўз натижасини кўрсатадиган механизмларни яратишимиз зарур. Биз ёшларга нафақат билим беряпмиз, балки, касб-ҳунар ўргатаяпмиз. Яратилган шарт-шароитлардан фойдаланиб келажакда улар ўзи, оиласи фаровонлигини таъминласин. Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежларида таълимни янада такомиллаштириш юзасидан таклифларим бор. Депутат этиб сайлансам, ана шу масалалар, шунингдек, ёшларнинг бандлиги ва ёш оилалар ижтимоий муҳофазасига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга эътибор қаратмоқчиман.

## АЛИШЕР ТИЛЛАБОЕВ

*(18-Избоскан сайлов округи)*



***1951 йилда Избоскан туманида туғилган. Андижон пахтачилик институтини тамомлаган. Мутахассислиги — агроном.***

Меҳнат фаолиятини ёшлар ташкилотида бошлаган. 1975-1979 йилларда Тошкент шаҳридаги ўсимликлар экспериментал биологияси институти аспиранти бўлган. 1979-2006 йилларда жамоа хўжалигида бош агроном, бошқарув раиси лавозимларида фаолият кўрсатган. 2006 йилдан «Тиллабоев орзуси» фермер хўжалиги раҳбари.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими.

Алишер Тиллабоев қишлоқ хўжалигида илғор технологияларни жорий этиш юзасидан кўплаб ташаббуслар билан чиқмоқда. У 2005 йил Хитой Халқ Республикасида бўлиб, пахтачиликда янги технологияни жорий қилиш бўйича тажриба ўрганиб қайтди ва бу амалиётда унга жуда қўл келмоқда. Шунингдек, у фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, турмушини фаровонлаштиришга асос бўладиган таклифларни илгари суриб, амалиётда қўллаб келмоқда.

— Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида мамлакатимиз қишлоқларида инфратузилмани ривожлантириш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилмоқда, — дейди у. — Замонавий, кўркам, қулай турар-жой бинолари қурилаяпти. Туманимизнинг Яккатут қишлоғида 60 та, Чувама қишлоғида 30 та 3-5 хонали уйларни бунёд этишга тайёргарлик кўрилаяпти. Келажакда эса қишлоқларни тараққий эттириш ҳаракати янада кучайиши муқаррар. Қишлоқ ҳаётини шаҳарники билан тенглаштириш борасидаги бошланган ташаббус изчил давом этиши шубҳасиз. Бунинг учун, аввало, бу соҳадаги қонунларни такомиллаштириш талаб этилади. Агар депутат этиб сайлансам, ана шулар учун курашаман.

Бундан ташқари, ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масъулиятини қонунларда акс эттирилиши тарафдориман. Аграр соҳада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Келажакда эса бу соҳани ҳам изчил ривожлантириб боришга эҳтиёж туғилади. Шунинг учун бу борада ҳуқуқий базани такомиллаштириб бориш депутатлар зиммасидаги масъулиятли вазифадир.

## УЛУҒБЕК ҲОЖИБЕКОВ

*(19-Хартум сайлов округи)*



***1963 йилда Андижон туманида туғилган. Андижон пахтачилик институтини тамомлаган. Мутахассислиги — агроном.***

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда «Қишлоқхўжаликкимё» ишлаб чиқариш бирлашмасида бошлаган. Ҳарбий хизматдан сўнг бўлим мудири вазифасида ишлаган. 1990 йилдан 2007 йилгача Андижон туманидаги ширкат хўжалигида бош ҳосилот, ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси бошлиғи, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, ширкат хўжалиги бошқаруви раиси лавозимларида хизмат қилган. 2007 йилдан Андижон туманидаги «Ёрбоши келажаги» фермер хўжалиги раҳбари.

Улуғбек Ҳожибековнинг бутун меҳнат фаолияти қишлоқ хўжалиги соҳаси билан бевосита боғлиқ. Кўп йиллар шу соҳада ишлаб тажриба орттирди. Шу туфайли фермер хўжалигида адир шароитида пахта ҳосилдорлигини ҳар гектар ҳисобига 35 центнергача етказди.

Гулистон маҳалласининг ободончилигида, кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда унинг ҳиссаси катта.

У дастурхонимизни тўлдираётган, даромад манбаи бўлган ерни эъзозлашни муҳим, деб билади. Шунинг учун ҳам унинг сайловолди дастуридан ер унумдорлигини ошириш масаласи алоҳида ўрин олган.

— Кўп йиллардан бери насослар ёрдамида суғориш оқибатида адир ерларни мелиоратив ҳолати ўзгарган, — дейди у. — Бундай ҳолат мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам кузатилади. Табиийки, бу ҳосилга жиддий таъсир кўрсатади. Муаммони бартараф этиш юзасидан ҳукумат томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишларни янада кучайтириш учун қонунчилик базасини мустаҳкамлаш талаб этилади. Партиямиз электорати кўпчилик қисмининг турмуш фаровонлиги ерларнинг ҳосилдорлиги билан бевосита боғлиқ эканлигини ҳисобга олсак, бу ҳолат янги шаклланадиган парламентда тузиладиган фракциямиз олдига мазкур соҳа бўйича қонунчиликни такомиллаштириш масъулиятини юклайди.

Бугунги кунда партиямиз Дастурида баён этилганидек аҳолининг реал даромадлари, ҳар бир инсонга кундалик эҳтиёж моллари, ҳаётий зарур хизматлар жаҳоннинг ўртача ривожланган мамлакатларида истеъмолнинг умум қабул қилинган андоза ва меъёрларига мос даражага етказилиши керак. Агар депутат этиб сайлансам, ана шу мақсадлар учун курашаман.

## АБДУМАННОБ РАҲИМОВ

*(20- Чинобод сайлов округи)*



***1963 йилда Балиқчи туманида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг тарих ва ҳуқуқшунослик факультетларини тамомлаган. Мутахассислиги — тарихчи, ҳуқуқшунос.***

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Балиқчи туманидаги жамоа хўжалигида ишчиликдан бошлаган. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида лаборант, Тошкент давлат шарқшунослик институтида тарбия бўлими инспектори лавозимларида ишлаган. 1993 йилдан Ўзбекистон ХДП Ҳамза туман кенгаши тарғиботчиси, котиби, ЎзХДП Марказий Кенгаши референти, партия ташкилотчиси, шўъба мудири, бўлим мудири ўринбосари, бўлим мудири вазифаларида фаолият юритган. 2001-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг эксперти бўлган. 2005 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ўзининг депутатлик фаолияти давомида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиш ҳақида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»-ги ва бошқа қатор қонунлар лойиҳаларини палата муҳокамасига олиб чиқишга масъул бўлди.

— Депутат, аввало, ўз сайловчилари олдида ҳисобдордир, — дейди у. — Шунинг учун ўтган йилларда ўзим сайланган сайлов округидаги барча сайловчиларим, партиямиз электорати вакиллари билан мунтазам алоқада бўлдим. Учрашувларда парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумотлар бериб бордим. Қонунлар лойиҳалари юзасидан фуқароларнинг фикрларини ўргандим ва ўринли таклифларни қабул қилинаётган қонунларда акс эттиришга ҳаракат қилдим.

Агар улар менга яна ишонч билдириб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлашса, партиямиз Сайловолди сиёсий позициясида илгари сурилган ғояларни қонунларда акс эттириш учун курашаман. Эҳтиёжманд аҳоли қатлами, иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган кишиларни, шунингдек, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини тамомлаётган ёшлар, имкониятлари чекланган одамлар ва пенсионерлар, педагоглар, тиббиёт ходимлари, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатадиган ва унинг ночор қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшаётган бошқа соҳалар ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар лойиҳаларини тайёрлаб, қонунчилик ташаббуси асосида Қонунчилик палатасига киритиш ниятидаман.




## НАВБАТДАН ТАШҚАРИ САЙЛОВ

### *26 январга белгиланди*

Бир ҳафта аввал Шри-Ланка президенти Махинда Ражапакса мамлакатда навбатдан ташқари президент сайлови ўтказилиши ҳақида маълум қилган эди. Фақат сайлов ўтказиш санаси номаълум эди.

«The Hindu» газетаси тарқатган хабарда қайд этилишича, куни кеча Шри-Ланка сайлов комиссияси ушбу сана 2010 йил 26 январга белгиланганини эълон қилди.

Мамлакат Конституциясига кўра, президент 6 йиллик муддатнинг 4 йили ўтгач, навбатдан ташқари президент сайлови ўтказилишини эълон қилишга ҳақли. Шунинг учун ҳам М. Ражапакса шундай қарор қабул қилди. У 2005 йил ноябрда президентлик лавозимини эгаллаган.

«France Presse» АА хабар қилишича, давлат бошлиғи М. Ражапаксага ягона рақиб мамлакат қуролли кучлари қўмондони, генерал Саратх Фонсека бўлиши мумкин. Аммо у президентликка номзодини қўйиши ҳақида расмий маълумот тарқатгани йўқ. Мухолифатдаги Бирлашган миллий партия эса унинг номзодини қўллаб-қувватлашини билдириб, ундан номзодини қўйишга ундамоқда.

Эслатиб ўтамиз: жорий йил Шри-Ланка ҳаётида ғалаба йили бўлди, яъни 18 май куни ҳукумат қўшини «Тамил-Илам озодлик йўлбарслари» айирмачилар ҳаракати устидан тўлиқ ғалабага эришди.

Шундай қилиб, 1983 йилдан бери мамлакатда давом этиб келаётган фуқаролар урушига чек қўйилди. 1999 йили айирмачилар мамлакатнинг учдан бир қисмини эгаллаб олган эди.

## ВАКОЛАТЛАРИ ТИКЛАНИШИГА ҚАРШИ

### *овоз берди*

Шу йил 28 июнда Гондурасда ҳарбийлар томонидан амалга оширилган давлат тўнтариши оқибатида тахтдан ағдарилган мамлакат президенти Мануэл Селайнинг ваколатларини тиклаш ёки тикламаслик масаласи куни кеча парламентда овозга қўйилди.

Гондураснинг давлат телевидениеси манбаларига асосланиб «Reuters» АА маълум қилишича, мамлакатнинг бир палатали парламенти Мануэл Селайнинг президентлик ваколати тикланишига қарши овоз берди.

Ўтган якшанбада эса мамлакатда президент сайлови ўтказилди. «Миллий партия»дан номзоди кўрсатилган Порфирио Лобо ғалабани қўлга киритди. Келгуси йилнинг 27 январидан президентлик ваколатини бажаришга киришади. Айни дамда бу вазифани давлат тўнтаришини амалга оширишда бош бўлган ҳарбий қўмондон Роберто Мичелетти бажариб турибди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатда ўтказилган президент сайлови натижаларини барча қўшни давлатлар бирдек қабул қилмади. Масалан, АҚШ, Перу, Коста-Рика, Панама сингари давлатлар сайлов натижаларини тан олган бўлса, «Америка халқлари Боливариан алянси» (АЛБА) ташкилотига аъзо мамлакатлар (Боливия, Венесуэла, Гондурас, Доминикан, Куба, Никарагуа, Эквадор, иккита Кариб давлати — Сент-Винсент ва Гренадина, шунингдек, Антигуа ва Барбуда давлатлари) ҳамда Бразилия ва Аргентина ушбу сайлов ўтказилишини ноқонуний, деб ҳисобламоқда. Венесуэла президенти эса бу сайловни майнавозчилик, деб атади.

Америка давлатлари ташкилотининг бош котиби Хосе Мигель Инсульс баёнот беришича, 34 та давлатни ўзида бирлаштирган бу ташкилотнинг Доимий кенгаши Вашингтонда йиғилиб, Гондурасдаги сайлов натижаларини ва умуман, Гондурасдаги вазият масаласини кўриб чиқмоқчи.




## ЮЗ ВОНГА БИР ВОН

### *курси бўйича алмаштирилмоқда*



Шимолий Кореяда нақд пул муомаласи бутунлай тўхтатилди, барча савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, жамоат транспорти фаолияти тўхтатилган. Фақат хорижий фуқароларга хизмат кўрсатувчи ва хорижий валюта билан олди-берди қилиш ҳуқуқи берилган бир неча дўкон ва ресторан иш фаолиятини давом эттирмоқда, холос.

Британиянинг «The Times» газетаси хабар беришича, мамлакатда пул ислоҳоти ўтказилмоқда. Бу тадбир 1 декабрдан бошланган, 6 декабргача давом этади. Яъни эртагача барча фуқаролар ўз ҳисобидаги «эски» пулларини янги пулга алмаштириб бўлишлари шарт.

Пхеньяндан маълум қилишларича, «эски» 100 вонга янги 1 вон алмаштирилмоқда. Ҳар бир оилага «эски» 100 минг вонгача миқдордаги пулни янги пулга алмаштириш ҳуқуқи берилган.

КХДР ҳукумати пул алмашинуви ҳақидаги қарорни 30 ноябрь куни эълон қилган.

Экспертларнинг айтишларича, пул алмаштириш тадбирини ўтказиш орқали ҳукумат пулнинг қадрсизланиш даражасини пасайтиришга уринмоқда.

Ҳозир мамлакат аҳолиси томонидан хорижий валютани сотиб олиш авж палласига чиққан. Шу боис АҚШ доллари ва Хитой юани бу ерда бир неча бараварга қимматлашиб кетди.

«ДОКТОР-Д» ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни Конституциямиз қабул қилинганлигининг 17 йиллиги билан муборакбод этади.

*Меҳнаткаш, олиҳиммат халқимизга саломатлик тилайди.*

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимиз соғлом вояга етсин.















ТЕРМИЗ ТУМАНИДАГИ

ЯНГИАРИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни Бош Қомусимиз қабул қилинган қутлуғ кун билан муборакбод этади!

*Қонун билан яшаш барчамизнинг шиоримизга айлансин!*

**Мамлакатимиз Мустақилликка эришганидан сўнг кўп ўтмай Юртбошимизнинг Фармонига биноан «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси ташкил этилган эди. Бу йил ана шу тарихий санага 15 йил тўлди. Ўзбекистон темир йўл тизимини ислоҳ қилиш, уни жаҳон талаблари даражасида ривожлантириш орқали мамлакатимиз бўйлаб ягона темир йўл тизимини барпо этиш мақсадида ташкил этилган мазкур соҳа қисқа вақт ичида катта ютуқларга эришди.**



**Истиқлол имкониятлари**



# «ЎЗБЕКИСТОН» ПОЕЗДИ

## *йўловчиларни хавф-хатарсиз ўз манзилларига етказмоқда*



Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, бу борада мавжуд ички база ва имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш яхши самара берди. Шу билан бирга, янги-янги темир йўл линиялари ишга туширилди, муҳташам иншоотлар, кўркам ва замонавий бекатлар, вокзаллар қад ростлади.

Узунлиги 358 километрга тенг «Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус» ҳамда аср қурилиши номини олган 223 километрли «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл линиялари барпо этилди.

Маълумки, темир йўл транспорти — барча мамлакатлар иқтисодий тараққиётининг бош омили ҳисобланади. Жуғрофий жиҳатдан денгиз йўлларидан бирмунча узоқда жойлашган Ўзбекистонда у, айниқса, катта аҳамиятга эга. Чунки, ушбу темир йўллар юртимизни жаҳон билан боғлайди. Кейинги йилларда кўплаб халқаро йўналишдаги йўловчи поездлар қатнови йўлга қўйилганлиги фикримиз далилидир. Масалан Нукус ва Қозоғистоннинг Бейнов шаҳри орқали ўтувчи Тошкент — Саратов ва Тошкент — Санкт Петербург, ҳамда Тошкент — Уфа, Тошкент — Новосибирск, Тошкент — Свердловск, Тошкент — Харьков йўналишларида ҳам қатнов муваффақиятли давом этмоқда. Бугунги кунда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси таркибидаги «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти халқаро алоқаларни янада ривожлантириш учун астойдил ҳаракат қилаётир.

Тошкент — Москва — Тошкент йўналиши бўйича қатновчи тезюрар 5/6 поезди эса бир неча ўн йиллардан буён қатнайди. Ушбу поездда жами 16 та замонавий вагон бўлиб, бу вагонлар Германиядан келтирилган.

Яқинда биз «Ўзбекистон» номи билан юритилувчи ана шу поездда сафарга чиқдик. Йўл-йўлакай барча манзарани кузатиб бордик. Авваллари уч мамлакат чегарасидаги тўртта текшириш постида поезд узоқ муддат қолиб, текширувлар чўзилиб кетарди. Энди эса бунинг учун маълум вақт белгиланган.

— Тезкор поездимизга кўпларнинг ҳаваси келади, — дейди биз билан суҳбатда поезд бошлиғи Нодир Қурбонов. — Меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш жамоамиз аъзоларининг шиорига айланган. Энг муҳими, йўловчи транспортида поезднинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш ва одамларнинг ўз манзилига эсон-омон, бешикаст етиб боришига эришиш муҳим ўрин тутади. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича вагон кузатувчилари ҳамда йўловчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилади.

Бизнинг меҳнатимизга баҳо бериш пайтида асосан йўловчиларга кўрсатилган сифатли хизмат ҳисобга олинади. Тажрибали вагон кузатувчиларидан Икром Ҳайитқўзиев, Комил Абдусаматов, Эркин Қаюмов, Альбина Ганиева, Тўлқин Турсунов, Олим Одилов, Зокир Қодиров ҳамда механик Ҳабибулла Жалилов, вагон-ресторандан Нишонбой Мамадалиев ўз касбининг усталари ҳисобланадилар.

— Бизнинг вазифамиз йўловчиларни ўз манзилларига эсон-омон етиб олишларини таъминлаш, — дейди поезд бош механиги Мирғиёс Турсунов. — Йўл давомида барча техник носозликларни ўз вақтида бартараф этиб борамиз.

Поездимиз олға интилар экан, йўл-йўлакай ҳамроҳларимизни, йўловчиларни суҳбатга чорлаймиз. Негаки, холис баҳони, энг аввало, шу транспорт хизматидан баҳраманд бўлаётган йўловчигина билдира олади-да.

— Инсон сафарга чиқмоқчи бўлса ҳали уйдалигидаёқ боражак манзилига қайси транспорт воситасида етиб олишини ўйлайди, — дейди тошкентлик Виктор Нефедов. — Менда ҳам шундай бўлди. Москвага бормоқчи эдим. Уйдагилар «поездда боринг, ҳам арзон, ҳам қулай» деб маслаҳат беришди. Айтганларича бор экан. Биз кетаётган вагон ва купе озода ҳамда саришта экан. Яратилган шароитлардан кўнглим тўлди. Вагон кузатувчиларининг ҳушмуомалалигини айтмайсизми?...

Поезд Москвадаги Қозон вокзалидан Тошкентга йўл олаётган пайтда купе вагонларидан бирига бўйи тахминан 2 метрли бир гуруҳ йигит-қизлар чиқишди.

— Йўл бўлсин, хўш қаерга отландингиз? — деб сўраймиз улардан.

— Биз баскетбол жамоасининг аъзоларимиз. Оренбургга кетаяпмиз. У ерда йирик турнир ўтказиляпти. Биз кўпинча мусобақаларга кетаётганимизда мана шу «Ўзбекистон» поездига чипта оламиз. Негаки бу поезднинг вагонлари Россияда юрадиган кўпгина поездлардан кўра яхшироқ. Бунинг устига вагон ресторанда тайёрланган ўзбек таомларини хуш кўрамиз. Вагон кузатувчиларининг ҳушмуомалалиги ҳам бизда яхши таассурот қолдирган.

Йўл давомида турли миллат ва элат вакиллари билан суҳбатлашдик. Ҳар хил юмушлар билан сафарга чиққанларнинг аксарияти гўзал юртимиз номи билан аталган поездда яратилган шарт-шароитлардан мамнун эканлигини қайта-қайта таъкидлашди.

Яна бир гап. Ҳамонки поездимиз уч давлат оша одимлар экан, табиийки, ҳар бир мамлакат чегарасида текширув ишлари олиб борилади. Мана шундай текширувлар пайтида айрим йўловчиларнинг асабийлашиши ҳам бор гап. Бундай пайтларда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси таркибидаги «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти томонидан тайинланган ваколатли вакил Дониёр Азизов ёрдамга келади.

— Мен поезд қўзғалгандан бошлаб то манзилга етгунча йўловчиларнинг тинчлиги, хотиржамлиги ҳақида қайғуриб бораман, — дейди Дониёр. — Йўловчилар ҳуқуқларининг поймол этилиш ҳолларини бартараф этаман. Айтайлик, бирон давлат чегарасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан текширув ўтказилганда қўполликка йўл қўйилса, йўловчилар ҳуқуқлари асоссиз поймол этилса, биз ҳам қараб турмаймиз. Бу гал ҳам шундай бўлди. Чегаралардан бирида йўловчилардан Е.Басанец ва О.Николаенконинг ҳуқуқлари поймол қилинган экан. Менга мурожаат қилишди. Шу заҳотиёқ бориб масалага ойдинлик киритдик. Бу иш ижобий ҳал этилди. Поезд эса ўз йўлида давом этди.

Мана, ниҳоят олти кунлик сафардан қайтган поездимиз яна қадрдон Тошкент вокзалига кириб келди. Вагонларни лиқ тўлдирган йўловчилар поезд хизматчиларига чин кўнгилдан ташаккур билдириб, тарқала бошлашди. Эртага эса шу поезд яна сафарга отланади. Йўловчиларни узоқ манзилларга элтади. Бу поезднинг номи «Ўзбекистон»!

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**махсус мухбирлари.**

***Суратларда:*** *«Ўзбекистон» поезди хизматчилари фаолиятидан лавҳалар.*

**Ҳаким СОЛИҲОВ**
**олган суратлар.**
*Тошкент — Москва — Тошкент.*

# ҚИШЛОҚ КОРХОНАСИ

***Қизилтепа туманидаги «Ванғози» қишлоғи марказдан анча олисда жойлашган. Унда замонавий корхоналар, савдо марказлари, барча қулайликларга эга деҳқон бозори, ҳашаматли қурилган тўйхоналар, касб-ҳунар коллежи ва бир-биридан бежирим умумтаълим мактаблари ажиб бир манзара касб этиб турибди. Айниқса, бу ердаги «Ванғози агроэкспорт» масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти таҳсинга лойиқ.***

Қишлоқнинг шундоққина қоқ ўртасида мўъжазгина бир корхона бор. У ишлаб чиқариш қуввати жиҳатидан Навоий вилоятидаги энг номдор корхонлардан сира қолишмайди. Ванғозилик Рустам Саломов унга бош-қош.

2004 йил бошларида «Зомин-инвест» лизинг компаниясининг 407 миллион сўмлик узоқ муддатли кредити эвазига қурилган бу корхона, мана, беш йилдирки, туман иқтисодиёти тараққиёти учун хизмат қилмоқда. Унинг ташкилий-таркибий даврида 32 нафар киши меҳнат қилган бўлса, ҳозир улар сони 135 нафардан ошиб кетди. Ишчилар шу қишлоқнинг йигит-қизлари.

— Корхонамиз бир кеча-кундузда 70 тонна чигитни ва 30 тонна буғдойни қайта ишлаб, сифатли ўсимлик ёғи ҳамда олий навли ун ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди масъулияти чекланган жамият раҳбари Саъдулла Муродов. — Хитойликлар билан ҳамкорликда бир кеча-кундузда 8 тонна ёғни жаҳон андозаси даражасида ҳидсизлантириш, бир йўла шунча ёғни сифатли 1 ҳамда 5 литрлик идишларда қадоқлаш даражасига эришгач, иқтисодий салоҳиятимиз янада ўсди.

Шунингдек, ўзимизда, яъни Ванғозида хўжалик совуни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ишчиларимиз эндиликда 200-220 минг сўмдан иш ҳақи олишаяпти. Корхонамиз жаҳонда иқтисодий инқироз кузатилган даврда ҳам солиқ идораларига ҳар йили ўртача 2 миллиардга яқин солиқ тўловлари тўлаб бораяпти.

Энг қувончли жиҳати, корхонада ўсимлик ёғи, сифатли ун, шунингдек, масхар ва кунгабоқар ёғи ишлаб чиқариш, уни жаҳон андозаси даражасида қадоқлаш ишлари бошлаб юборилган. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Қизилтепа ва Хатирчи туманида 1700 гектар майдонга масхар ва кунгабоқар экинлари экилди. Бу асосий хомашё турларини етиштириш учун ўнлаб маҳаллий ёшлар ишга олинди. Корхонадаги жами ишчилар сони қарийб 160 нафарга яқинлашиб қолди. Қишлоқда болалар спортини ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу каби хайрли ишлар учун шу йилнинг ўзида жами 35 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ҲАЛОЛ МЕҲНАТ РОҲАТИ

## ёки ЎзХДП аъзоси ғузорлик Тўхтамурод Тўраевнинг хайрли ишлари ҳақида



Тўхтамурод мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ ветеринар бўлишни орзу қиларди. Шу боис ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ветеринария факультетига ҳужжатларини топширди. Бироқ омади чопмай ўқишга кира олмади.

— Ўғлим, меҳнат ҳам мактаб. Кишининг ақли ва фаросатини пешлайди. Ўқишга бу йил бўлмаса, келгуси йили кирарсан, бирор иш топиб ишлагин, — деб маслаҳат берди отаси.

Тўхтамурод эртаси куниёқ иш сўраб хўжалик раҳбари ҳузурига борди.

— Пахтачиликда ишлайсанми, чорвачиликдами? — деди хўжалик раҳбари.

— Ўқиб келажакда ветеринар врач бўлмоқчиман, — деди у.

— Ундай бўлса, чорвачиликда ишлаганинг маъқул. Биринчи ферманинг ўн учинчи отарида чўпон ёрдамчиси бўлиб ишлайсан.

Шундай қилиб у Дўлан Болтаев деган бош чўпонга ёрдамчи бўлиб ишлай бошлади. Орадан ҳаш-паш дегунча бир йил ҳам ўтиб кетди. Яна ёз келиб ҳужжатларини институтга топширди. Бу сафар ҳам омади чопмагач, яна сурувларни боқиб юраверди. Ниҳоят, учинчи йили унинг орзуси ушалиб, институтга кирди.

Олий даргоҳни тугатгач, иш фаолиятини туман ветеринария марказида бошлади. Кейин «Пачкамар» наслчилик хўжалигида бош ветеринар сифатида саккиз йил ишлади. Албатта, ўз касбини севган, унга меҳр билан ёндошган инсонгина юксак натижаларга эришади.

Айтиш керакки, Тўхтамурод Тўраев қаерда, қандай вазифада ишламасин, аввало, ўз касбига меҳр билан ёндашди. Деҳқонобод тумани бош ветеринария врачи бўлиб ишлаган даврда уч йил кетма-кет қурғоқчилик келди. Шундай қийин вазиятда у Қарши чўлида янги ташкил топган хўжаликларнинг суғориладиган майдонларида шартнома билан ем-хашак етиштириш ишларида жонбозлик кўрсатди. Натижада туманда чорва молларининг нобуд бўлишининг олди олинди. Боз устига отлар ва туяларнинг ривожи яхшиланди, ангор эчкилари ва ҳисор зотли қўйларни кўпайтиришга эришилди

— Турли жойларда, турли лавозимларда ишладим, — дейди Тўхтамурод Тўраев. — Оддий чўпонликдан хўжалик раҳбаригача бўлган йўлни босиб ўтдим. Бироқ мамлакатимиз мустақилликка эришгач, косам оқара бошлади. Елкамга офтоб тегди. Мулкдор бўлдим. Пешона тери билан топган маблағимга ўзим эга бўлдим.

Ҳа, дарҳақиқат, шундай. У 2001 йили 85 гектар ер олиб «Тўра бобо» фермер хўжалигини ташкил қилди. Хўжалик аъзолари йил сайин юқори натижаларга эриша бошлади. Ҳар йили пахтачилик ва ғаллачиликда режалар ошириб уддаланди. Айни пайтда 500 гектар ерга эга бўлган фермер хўжалигида пахтачилик ва ғаллачиликдан ташқари, чорвачилик ҳам ривожланмоқда. Жорий йилда 71 гектар сувли, 40 гектар лалми ерга ғалла экиб, 330 тонна сара дон етиштириб, 208 тонна ўрнига 220 тонна ғалла топширилди. 80 гектар ерга пахтанинг «Бухоро-6» навини экиб деҳқончилик қилган хўжалик аъзолари 200 тонналик хирмон уйиб, давлат буюртмасини ҳам аъло даражада уддаладилар.

Албатта, техникасиз қишлоқ хўжалигини юритиб бўлмайди. Техника-деҳқоннинг қаноти, деб бежиз айтишмайди, ахир. 3 та МТЗ-80, 1 та Т-28, 1 та ВТ ҳайдов трактори , комбайн, культиватор, чизел, гапнинг қисқаси, битта хўжаликка қанақа техника керак бўлса, ҳаммасидан бор. Дарвоқе, яқинда «Ўзэкспомарказ»-даги кўргазмада туркиялик ишбилармонлар билан соатига 110 куб ҳажмда сув чиқарадиган 13,5 миллион сўмлик насос сотиб олиш учун шартнома тузилди. Бу насос ўрнатилгач, сув муаммоси ҳал бўлади. Деҳқончиликдан олинадиган даромад эса янада кўпаяди.

Албатта, олинаётган даромад ҳисобидан хайр-саховат ишларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Тўхтамурод ака тумандаги партиямиз электорати ҳисобланмиш ногиронларга, кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдамини аямайди. Жумладан, Совлиғор қишлоғида яшовчи кам таъминланган Дилбар Ҳамроева оиласини доимий ҳомийликка олган. У онахонга бир бош қорамол берган эди. Унинг ҳамқишлоқлари Жаббор Холиқов ва Ғофур Ҳусановлар ҳам мана шундай ҳимматдан баҳраманд бўлишди.

Халқимизда оиланг тинч, рўзғоринг бут бўлса, ишинг юришаверади, деган гап бор. Тўхтамурод ака турмуш ўртоғи Ойша ая билан 4 қиз, 3 ўғилни тарбиялаб вояга етказди. Катта қизи ўқитувчилик касбини танлаб, ёш авлодга таълим-тарбия бераётган бўлса, уч нафар қизи тиббиёт соҳасини танлаб, эл саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда. Ўғиллари ҳам турли касбларни эгаллашган. Фақатгина Нодиржон ота йўлини тутиб, олий маълумотли қишлоқ хўжалик мутахассиси бўлди.

Партиямиз фаоли, саховатпеша Тўхтамурод Тўраевнинг келажак режалари ҳам талайгина. У сут, гўшт маҳсулотларини қайта ишловчи мини-технологияларни қишлоққа олиб киришни ният қилган. Агар унинг режаси амалга ошса, янги иш ўринлари очилиб, ўнлаб қишлоқ ёшлари иш билан таъминланади. Хўжаликнинг тармоқлари янада кенгайиб, бозорларимиз қатор маҳсулот турлари билан бойийди.

**Абдурасул ПАРДА** t



## СПОРТ

***Халқаро дзюдо федерацияси йил якуни бўйича Бутунжаҳон таснифи натижаларини эълон қилди. Унга кўра, мамлакатимиз дзюдочилари дунёнинг энг кучлилари қаторида эътироф этилдилар.***

### ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ КУЧЛИЛАР ҚАТОРИДА

Жумладан, Пекин олимпиадаси кумуш медали совриндори Абдулла Тангриев (+100 кг.) ўз вазн тоифасида 700 очко жамғариб, иккинчи поғонани банд этди. Ундан юз очко кўп тўплаган франциялик Тедди Ринер пешқадамликни қўлга киритган бўлса, россиялик Александр Михайлин (556 очко) учинчи ўринни эгаллаган.

Шунингдек, дзюдочиларимиздан Дилшод Чориев (90 кг., 568 очко), Ришод Собиров (60 кг., 472 очко)лар дунё таснифида бешинчи ва олтинчи поғоналарни банд қилганликлари алоҳида эътирофга лойиқ.

***"Динамо" (Киев) ҳамда Украина терма жамоалари ҳужумчиси Андрей Шевченко автоҳалокатга учради, деб хабар тарқатди sports.ru интернет вебсайти.***

### ШЕВЧЕНКО АВТОҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Бу ҳодиса 3 декабрь куни Киев шаҳрида содир бўлган. Шевченко бошқариб кетаётган Porsche Panamera Turbo автомашинаси Honda русумидаги автоулов билан тўқнашиб кетган.

Футболчи бу тўқнашувдан жабр кўрмаган. Ҳозирда бу автоҳалокатда айб кўпроқ Hondaни бошқарган аёл кишида бўлганлиги тахмин қилинмоқда. У асосий йўлдан кетаётган Андрей Шевченкога йўл бўшатишни истамаган.

**Эркин ХОЛБОБО**

## Оила ошёнида

### «ГАЛАБУТА»ЛИК ЭГИЗАКЛАР

**Ҳасан, Ҳусан ва Тоҳир соғлом вояга етмоқда**

Икки ёки ундан ортиқ чақалоқнинг дунёга келиши жаҳон халқларида учраб туради. Италиялик Мариэлла Маргарита 8 эгизакни дунёга келтириб, «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан жой олган бўлса, Нигериянинг Игбо-Оро шаҳарчаси «Эгизаклар юрти» номи билан машҳур. Атиги 60 минг нафар аҳоли яшайдиган шаҳарчанинг ҳар бир хонадонида икки ёки учтадан қўшалоқ фарзанд бор.

Яқинда Сариосиё туманининг «Галабута» маҳалласида истиқомат қилувчи Насриддин Исмоиловлар хонадонида ҳам ана шундай қувончли воқеа бўлди. Оилада бир йўла уч нафар ўғлон дунёга келди.

— Қувончимиз чексиз, — дейди оила бекаси Рисолат Жумаева. — Икки нафар фарзандимиз бор эди. Бугун эса оиламиз яна уч кишига кўпайди. Айни кунларда Ҳасан, Ҳусан ва Тоҳирлар соғлом вояга етишмоқда.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Ҳунармандчилик марказлари тарихидан*

# БУХОРОНИНГ ТИМ ВА ТОҚЛАРИ

*ҳунармандчилик мактаби ноёб дурдоналарини оламаро кўз-кўз қилмоқда*

***Қадимда Бухоро бир қанча Шарқ ва Ғарб давлатларини бир-бири билан боғлаб турган шаҳар саналган. Айниқса, у темурийлар даврида жуда тараққий топган. Шаҳарда ўнлаб мадраса, савдо марказлари бунёд этилган. Бухоронинг ўша даврдаги савдо чорраҳаларини бешта тим ва тоқлар кесиштирган. Хўш, «тоқ» сўзи аслида нима маънони англатади, «тим»лар-чи? Гумбаз томли бир кўчадан бошқасига ўтиладиган катта бозор биносига «тоқ» дейилган. Тимлар эса улгуржи — турли хил маҳсулотлар билан савдо қиладиган дўконларни англатади.***



Бухородаги машҳур Лабиҳовузнинг кунботарида дастлабки тоқ Саррафон обидаси жойлашган. У ажойиб меъморий ечимга эга бўлиб, қўҳна шаҳарга ўзгача тароват бахш этиб туради.

Бир-бирини кесиб ўтувчи аркалар гумбаз ичига киритилган. Бу мажмуадан масжид, ҳаммом, дўконлар жой олган. Тарихдан тоқи Саррафон — шаҳарга келувчилар учун покланиш, бир фурсат нафас ростлаш, пул алмаштириш маскани ҳисобланган. Бу ерда саррофлар, яъни пул алмаштирувчилар кеча-ю кундуз ишлаганлари боис бу тоқ юқоридагича номланган. Айни пайтда бу мажмуада ҳар хил кандакорлик, мисгарлик буюмлари билан шаҳар меҳмонларига хизмат кўрсатилади.

XVI асрда бунёд этилган тоқ Телпакфурушон эса Масжиди Калонга яқин ерда жойлашган. Бу тоқда асосан битта кўча кесишади. Обиданинг томи диаметри 14,5 метрли мовий гумбаз билан ёпилган. Гумбаз остида ёруғлик тушадиган 12 та фонусли дарча бўлиб, улар мажмуа ҳароратининг мўътадиллигини мудом таъминлаб туради. Ўтмишда асосан бош кийимлари — телпак билан савдо қилинган. Ҳозир ҳам бу жойда турли миллий бош кийимлар сотилади.

— Бу тоқ бошқа вазифаларни ҳам бажарган, — дейди биз билан суҳбатда ҳунарманд уста Мирфайз Убайдов. — Бобомнинг ҳикоясига қараганда бу ерда мирзалар ҳам ишлашган. Улар ёрдамида савдогарлар ҳар хил олди-сотди битимларини имзолаган экан.

— Азалдан бухоролик ҳунармандлар шу ердан кун кўришган, — дея суҳбатга аралашди темирчи Шокир Камолов. — Улар ўзларининг маҳсулотларини Эрон, Ҳиндистон каби қатор мамлакатлардан келувчи савдогарларга сотишган. Менинг ота-боболарим ҳам айнан мана шу устахонада ишлашган. Биз сулоланинг олтинчи вакилимиз. Махсус музей-устахонамиз бор. Унда сулоламиз тарихи ўз аксини топган.

Устанинг ишларини кўздан кечираётган эдик, музейга бир гуруҳ франциялик сайёҳлар кириб келишди. Улар оддий темирдан 20 хилдан кўпроқ буюмлар ясаган устанинг ишига қойил қолишди.

— Биз шаҳрингизни мўъжиза десак янглишмаймиз, — деди ўзини Брендел Доминигел деб таништирган сайёҳ. — Оддий одамлари ҳам мўъжизакор экан. Қаранг, бу қайчи, шамдон, гулдон мўъжизанинг ўзику! Ватанимга қайтгач, бухоролик ҳунармандлар ҳақида ўқувчиларимга сўзлаб бераман.

Чамаси 50-100 метр нарида яна бир тим жойлашган. Кўк гумбазли бу тим — ҳозирги замон тили билан айтилса — супермаркетдир.

Тимда 56 та ҳар хил дўкон жой олган. Қадимда у шойи бозори бўлган. Шойи, атлас, адрас, банорас, хонатлас каби ноёб матолар сотилган. Ҳозир ҳам шундай. Тимга кирсангиз, ўзбек аёллари қўлида жилоланган қирққа яқин турдаги атлас матолар, улардан тикилган кийим-кечаклар кўзингизни қамаштиради.

Бу тим ёнида тоқи Заргарон жойлашган. Унда ўттизга яқин заргарлик устахонаси ҳамда дўконлар фаолият кўрсатади. Қўлигул заргарлар томонидан ишланган нафис узук, зирак, билакузук, аёлларнинг ҳар хил зебу зийнатлари билан савдо қилинади.

Кексаларнинг айтишларича, қадимда шаҳарнинг Шаҳристон бозори, Арки Олий ёнида тоқи Тиргарон, тоқи Ордфурушон обидалари ҳам бўлган. Ўша даврда бу иккала савдо чорраҳасида одамларга уй қуриш ва таъмирлаш хизмати кўрсатилиб, буғдой ва ун сотилган. Афсуски, бу обидалар асрлар тўфонидан бизгача етиб келмаган.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Нигора НУРМАТОВА,**
**тарих фанлари номзоди.**




## Газетада босилмади, аммо...

### ЧОРА КЎРИЛАДИГАН БЎЛДИ

***Шўрчи шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Қ.Хўжамбердиевнинг таҳририятга йўллаган шикоят хати вилоят ҳокимлигига юборилган эди. Мазкур хат юзасидан таҳририятга жавоб келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:***

«8-март кўчасида яшовчи фуқаро Қ.Хўжамбердиевнинг «Мирзо-Эсон» фермер хўжалиги бошлиғи А.Абдиев фермер хўжалиги ер майдонидан ноқонуний фойдаланиб келаётганлиги ҳақида йўллаган аризаси вилоят Ер ресурслари хизмати ва давлат кадастри бошқармаси ва Шўрчи туман ҳокимлиги томонидан ўрганиб чиқилганда қуйидагилар маълум бўлди:

«Мирзо-Эсон» фермер хўжалигининг 174 ҳамда 194-контурларида ўзбошимчалик билан 19 нафар фуқаро ер майдонини эгаллаб олганлиги аниқланди. «Мирзо-Эсон» фермер хўжалигида содир этилган қонун бузилишлар бўйича тўпланган ҳужжатлар вилоят Ер ресурслари хизмати ва давлат кадастри бошқармаси томонидан қонуний чора кўриш учун Шўрчи туман прокуратурасига тақдим этилган. Аризанинг натижаси ушбу мазмунда хат муаллифига ҳам ёзма равишда маълум қилинди.

**Сурхондарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.МАМАРАИМОВ».**

**Инсонпарварлик**

## СОБИҚ МАҲКУМ ҲАЁТДА ЎРНИНИ ТОПДИ

***Инсон билиб-билмай хатога йўл қўйиши, йўлдан адашиши мумкин. Албатта, жиноят жазосиз қолмайди. Жазо маҳкумнинг тузалиш йўлига кириши учун имконият ҳам ҳисобланади.***

Ортиқ Жумабаев ёшлигининг гуллаган палласини жазони ўташ муассасаларида ўтказди. Аммо, бу ерда вақтини бекор ўтказмади. Қилган хатоларидан хулоса чиқарди. Яратилган имкониятдан фойдаланиб, бирнеча ҳунарни ўзлаштиришга улгурди. Дастлаб, ўрта таълим шаҳодатномасини, кейинчалик ҳайдовчилик касбини эгаллагани тўғрисидаги гувоҳнома унга эртанги кунга ишонч ҳиссини уйғотди. Бу ҳол собиқ маҳкумнинг жамиятга бемалол аралашиб кета олишига туртки бўлди. У ўз ўрнини топди.

Дарҳақиқат, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сабоқ олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун зарур имкониятлар муҳайё этилган. Ёши ўттиздан ошган маҳкумлар, 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари ўз хоҳишларига кўра таълим олишга жалб этилади. Ўқув юртларида таълим олаётган маҳкумлар имтиҳонларни топшириш учун белгиланган қонун ҳужжатларига мувофиқ ишдан озод қилинадилар.

Ушбу имкониятлардан фойдаланиб, жазони ўташ жойларида умумий ўрта таълим олиб, шаҳодатнома ва сертификатга эга бўлган, кейинчалик ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топган фуқаролар кўплаб топилади. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларга ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳам берилади. Бу — маҳкумлар озодликка бирор касб-ҳунар эгаси бўлиб чиқади, деган гап.

Бир сўз билан айтганда, инсон, унинг ҳаёти, эрки, бошқа ажралмас ҳуқуқлари муқаддас саналиб, улар Конституциямиз билан ҳимояланган, давлат томонидан кафолатланган. Зеро, мамлакатимизда инсон ҳуқуқи, эрки ва манфаатлари олий қадриятдир.

**Гулшода ҚУРБОНОВА,**
**ИИВ, ЖИЭББ ходимаси.**

«Ўзстандарт» агентлиги жамоаси агентлик стандартлаштириш, давлат назоратини мувофиқлаштириш ва ахборот технологияларини жорий этиш бошқармаси бошлиғи Жавлон Каттахўжаевга падари бузруквори **Йўлдошхўжа КАТТАХЎЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780
MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Navbatchi:
Bardambek SA`DULLAYEV
Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV,
Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1149
*8230 nusxada bosildi*
*т — Tijorat materiallari*
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 00.25
Topshirilgan vaqti — 02.45
1 2 3 ₹ 6 7 8
Sotuvda erkin narxda